



O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil, 2-iyul. Payshanba • 76 (31.979)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ТИНЧЛИК, ОСОЙИШТАЛИК ВА ХАЛҚИМИЗ БИРДАМЛИГИНИНГ САМАРАЛАРИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 июнь — 1 июль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарининг иккинчи кунини Касби туманидаги «Камол Султон» фермер хўжалиги даласига ташриф буюрди.

Қашқадарёлик деҳқонлар бу йил 145 минг гектар майдонда галладан мўл ҳосил етиштирди. Шу кунларда ўрим-йғим ишлари қизгин давом этмоқда. «Камол Султон» фермер хўжалиги алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. 67 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб ҳосил олишмоқда.

Галлачилликда, айтиш мумкин, пахтачилликда ҳам муҳим бўлган мана шу кунларда сизлар каби меҳнатқаш деҳқонларимиздан ҳол-аҳвол сўраш, ҳорманлар, деб маддкор бўлиш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Ерга, меҳнатга муносабат тубдан ўзгаргани, ер билан ишлаш ва деҳқончилик маданияти юксалгани мана шу обод далаларда, мўл-кўл ҳосилларда намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда 8 миллион тоннадан зиёд галла етиштирилмоқда. Бундай улкан ҳирмонни бунёд етиштириш ўзи бўлмайди, албатта. Бу, авваламбор, сизларнинг тинимсиз меҳнатингиз, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ислохотлар, мамлакатимиздаги тинчлик ва озоишталлик, халқимизнинг бирдамлиги семукаси.

Собиқ тузум даврида Қашқадарё вилояти қолқоқ ҳудуд эди. Турли адолатсизликлар туфайли одамлар турмушдан норози, ҳаётдан ноумид бўлиб қолганди. Республикага газ етказиб берадиган вилоятда атиги 4 фойз аҳоли табиий газдан фойдаланиш имконига эга эди, ҳолос.

Бугунги кунда Қашқадарё ҳар томонлама ривожланган вилоятга айланган. Мамлакатимиз сановат маҳсулотининг қарийб 11 фойзи, дон ва пахтанинг катта қисmini айнан шу вилоят етказиб бермоқда.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Кечаги кунни унутмаслигимиз, уни бугунги кун билан солиштириб, ҳулоса чиқариб яшашимиз керак. Бу бизни огоҳликка, ҳаётнинг қадрига етишга, эртанги кун бундан ҳам фаровон бўлади, дея ишонч ва иштиш билан ҳаракат қилишга ундайди, деди Ўртабосишимиз.

Президентимиз Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида амалга оширилаётган улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари «Кеча ким эди бугун ким бўлди?» деган саволга жавоб эканини, улар вилоят қиёфасини ўзгартириб, аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга ҳизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббус билан Қарши шаҳрининг ҳудудини кенгайтирилмоқда. Янги автостанция ва вокзаллар, кўп қаватли уй-жойлар, боғ ва хиёбонлар, ҳизмат кўрсатиш объектилари, канализация ва коммунал хизматлари бунёд этилмоқда. Аҳолининг мазмуни ҳордиқ чиқариши учун янада кенг қулайликлар яратилмоқда.

Шаҳрисабзда ҳам улкан қурилиш ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Оқсарой мажмуаси атрофидаги майдон кенгайтирилиб, Чорсу бозори, Кўкғумбаз обидаларини боғловчи сўлим хиёбон барпо этилаётган. Шаҳарнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш мақсадида Қарши шаҳрига борадиган 129 километрлик замонавий йўл қурилмоқда.

Қашқадарё буюк Соҳибқирон Амир Темуридан вояга етказган замин. Бу ерда у зотнинг авлодлари — ғурури баланд, мард ва танги одамлар яшайди, деди Ислам Каримов.

Президентимиз фермер ва ишчиларнинг меҳнат қилиши ҳамда дам олиши учун яратилган имкониятлар, оилавий шароитлар билан қизиқди. Мамлакатимиздаги тинчлик-озойишталик, узокни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат ва изчил ислохотлар самарасида халқимиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бораётгани қайд этилди.

Анвар САМАДОВ,
Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА



ДЕПУТАТЛАР БЮДЖЕТ ИЖРОСИ

самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклифларини беришди

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТИДАГИ ХАРАЖАТЛАР 2015 ЙИЛ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА 404,4 МИЛЛИАРД СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТДИ. ШУНДАН ИЖТИМОЙ СОҲА ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТАДБИРЛАРИГА 354,8 МИЛЛИАРД СЎМ САРФЛАНДИ, БУ БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ 87,7 ФОИЗИГА ТЕНГ КўРСАТКИЧДИР.

Давоми 2-бетда.

Ўзбекистон ХДП мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш бўйича амалга оширилаётган мақсадли чораларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ? МАҲАЛЛИЙ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИНГ ТАЪСИР КУЧИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ЯНАДА ОШАДИ

Сиёсий партиялар жамият ҳаётига қанчалик чуқур кириб борса, аҳоли, ўз электорати манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконига эга бўлади. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувида демократик тамойилларни кенг жорий қилиш жараёнида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қўлини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун айни шу мақсадга ҳизмат қилиши билан аҳамиятлil. Унга кўра, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга янги модда киритилиб, ҳокимларнинг ҳар йили халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалар юзасидан ҳисобот тақдим этиш тартиби белгилаб қўйилди.

Давоми 2-бетда.

ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КўРКИ

ЁНИБ ЯШАЁТГАН ОДАМЛАР

Гулистон шаҳридаги «Улуғбод» маҳалласида яшовчи Зайнобиддин Каримов кичик цех очиб, 20 нафар, Илхом Саидкулов автомобил ва сув чиқарадиган насосларни таъмирлаш, кичик техник қисмлар ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиб, 40 нафар ёшни муқим иш билан таъминлади.

— Йигирмата кўнадан ташкил топган маҳалламизни кичик шаҳарча дейиш мумкин, — дейди фуқаролар йиғини раиси Фарид Рўзиев. — Мақтаб, боғча, 4 та мини маркет, қатор-қатор дўконлар, дорихона ва бошқа муассасалар аҳоли хизматида.

— Энг эътиборлиси, Улуғбодда бекорчи одамни кўрмайсиз, — дейди яна бир суҳбатдошимиз ЎзХДП аъзоси, тарих фанлари номзоиди

Ўғли Эрбўтаева. — Қимирлаган жон борки, фойдали иш билан шуғулланади. Аҳоли давлат ишидан ташқари томоғида деҳқончилик қилиб, қўшимча даромад олади.

«Парранда етти хазинанинг бири», деганлари тўғри экан. Маҳалла паррандабоқарларининг иши билан танишган одам бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилади.

— 5 мингдан ортиқ товуғим бор, — дейди Аҳмадjon Охун. — Оила

аъзоларимиздан ташқари 4 нафар маҳалла ёшлари бизга ёрдам бериляпти. Меҳнатига яраша ҳақ оляпти, ҳунар ўрганапти. Қанча шоғирдларимиз бугунги кунда муқтақил иш бошлаган. Биз улар ютуғини кўриб, хурсанд бўламиз.

Павел Кан ҳам моҳир паррандабоқарлардан. Ўз хўжалигида ўн мингдан ортиқ товуқ парваришлаб, ёшларга бу соҳанинг сир-асрорларини ўргатапти, ойлик маош бериляпти.

Яқинда улуғбодликлар яна бир хайрли ишга қўл уришди. Улар ҳашар йўли билан маҳаллада «Боғи баланд» боғини яратишди.

Ўқтом АБДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎЗБЕКISTON

иқтисодиёти энг тез ривожланаётган мамлакатлар рейтингига 5-ўринни эгаллади

Жаҳон иқтисодий форуми — «World Economic Forum» иқтисодиёти энг тез ривожланаётган 13 давлат номини эълон қилди. Маълумот Жаҳон банкининг «Глобал иқтисодий тараққиёт» прогнози асосида тайёрланган. 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси юқори бўлган давлатлар орасида Ўзбекистон 5-ўринда қайд этилган.

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот 2015 йилда +7,60 фойизга ўсди. 2016 йилда эса бу рақам +7,80 фойиз бўлиши кутилмоқда. 2017 йилга келиб эса +8,00 фойиз бўлади.

2014 ва 2017 йиллар орасида ялпи ички маҳсулотдаги йиллик ўсиш суръати +7,87 фойизни ташкил этиши баъорат қилинмоқда.

Шунингдек, сайта Ўзбекистонга қуйидагича таъриф берилди:

«Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Ўзбекистон пахта экспорти бўйича дунёда бешинчи ўринда турлади. Мазкур мамлакат улкан табиий газ ва олтин захирасига эга...»

Темур АБЗАМ тайёрлади.

МУНОСАБАТ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида билдирилган фикрлар, илгари сурилган еояларни ҳамкасбларимиз катта қизиқиш билан ўрганиб, ўзларига тегишли хулосалар чиқариб олишмоқда.



Нарзиза
УСАНБОЕВА,
«Madaniyat va
ta'rifat»
телеканали
катта муҳаррири:

— Ўша кун Миллий академик драма театрида табрикни ҳаяжон билан тингладим. Сўнгра газетадан қайта-қайта ўқиб чиқдим, зиммамизда турган вазифалар қанчалик муҳимлиги, қўла-қанчалик кенглигини янада чуқурроқ англадим. Табрикда аввало журналист меҳнатининг жамиятдаги аҳамияти эътироф этилди, бугун биз журналистлар олдида турган устувор масалалар белгилаб берилди.

Тўғриси айтганда, табрикни мен ўз фаолиятимиз учун дастуруламал, деб ҳисоблайман. Мана, унда билдирилган бир фикрга эътибор қаратайлик. Мамлакатимиз раҳбари биз моддий томондан ривожланган мамлакатлардан балки ҳозирча бироқ орқада қолганимиз, лекин маънавий жиҳатдан манаман деган давлатлардан ўтиб кетганимиз, деган фикрни яна бир бор такрорлади.

Дарҳақиқат, бугун дунёнинг таниқли зиёлилари, олимлари, давлат арбоблари тан бераётганидек, ота-онанинг фарзандларига, фарзандларининг ота-онага меҳри, ҳурмати, ака-ука, опа-сингил ўртасидаги аҳиллик, оқибат, қўни-қўшничилик, ёрдамга муҳтожни қўллаб-қувватлаш каби миллий қадриятларимиз халқимизнинг юксак маънавий фазилатларидан дарак беради.

Президентимиз ўз табригида биз журналистларга муурожаат қилиб, ана шу бебаҳо бойлиқни қўлдан чиқармаслик, ёшларимизга етказиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласига эътиборимизни қаратди. Бу сўзлар ҳар биримизни ўз ишимизга танқидий ёндашиб, зиммамиздаги вазифаларни қанчалик даражада бажараётганимиз ҳусусида ўйлаб қўришга даъват этади.

Бу ҳақда гап кетганда, қилинган ишларимиздан кўра, қилинмаган ишларимиз қўлгини тан олишимиз керак, деб ўйлайман. Ўзимиз бир ўйлаб қўрайлик, маънавий масаласига Ўртабосишимиз нега бунчалик эътибор қаратмоқда? Юксак маънавият — енгилмас куч, деганда нималарга суяниб бу гоёни илгари сурмоқда? Маънавиятимишни улуғлашга, авайлаб-асрашга, бутун жамоатчилик эътиборини тортаётганининг сабаби нимада? Ёки Ўзтеледиоккомпаниясида «Madaniyat va ta'rifat» телеканалини очибдан қўзланган мақсад ва вазифалар нималардан иборат эди?

Бу ҳақда ўйласак, айнан ушбу саволлар замирида бажарадиган вазифаларимиз турганини англаймиз. Бугун дунё тез ўзгариб, кучли давлатларнинг манфаатлар тўқнашуви кучайиб, ҳар хил сиёсий ўйинлар, ахборот ҳуружлари авж олаётган, «оммавий маданият» деган офат ёшларимиз маънавиятга таҳдид солаётган бир шароитда маънавий-маърифий тарбия ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам биз ёш авлодни илм-фан, санъат, спорт соҳаларига қизиқишини оширадиган, халқимизнинг бой маданий-маърифий меросини асраб-авайлаш ва янада бойитишга қаратилган юксак савиядаги теледастурлар, эшитиришлар тайёрлашни устувор вазифа, деб биламиз. Табрикда илгари сурилган вазифаларни бажаришни, халқимиз манфаатини ҳимоя қилишни, юксак бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

ЎЗХДП ҲАЁТИДАН

«Фаол аёллар» қаноти Сурхондарё вилоят бўлими, Қумқўрғон туман партия кенгаши, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигида Қумқўрғон қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 52 корхона 270 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди.

ЯРМАРКАДА 21 НАФАР ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛИ ИШЛИ БЎЛДИ

Меҳнат ярмаркаси доирасида давра суҳбати ташкил этилиб, унда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, улар ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқаришлари учун мамлакатимизда яратилган шароитлар ҳақида атрофлича сўз юритилди. Аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами вакиллари касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва уй меҳнатининг бошқа шаклларида жалб қилиш самарали натижалар бериши алоҳида таъкидланди.

— Туманда жорий йилда янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш, касаначиликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳисобидан 4 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади, — дейди **Ўзбекистон ХДП Қумқўрғон туман кенгаши раиси Мамаражаб Номозов**. — Электоратимиз вакиллари бўлган хотин-қизлар ва касб-хунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш долзарб вазифалардан бўлиб қолаверади. Жорий йилда 11 касб-хунар коллежини тамомлаётган 3890 нафар йигит-қиз билан уч томонлама шартномалар тузиб бўлинган.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида партия туман кенгашида жамоатчилик гуруҳи ташкил қилинган айти мурдао бўлмоқда. Гуруҳ аъзолари ҳудудларда касбга ва оилавий тадбиркорликка йўналтиришга бағишланган давра суҳбатлари, ўқув-семинар, тренинг ва меҳнат ярмаркалари ўтказмоқда.

— Ушбу ярмаркада 21 нафар ёш ишга кириш учун тўғридан-тўғри йўлланма олди, — дейди **«Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими етакчиси Нилуфар Шайманова**. — Тадбир доирасида аёллар ва ёшларга эсдалик совғалари топширилди. Бу эсатананага янада кўтаринкилик бағишлади. Бундай тадбирлар вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ДЕПУТАТЛАР БЮДЖЕТ ИЖРОСИ

самарадорлигини ошириш бўйича ўз таклифларини беришди



Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзолари жойларда бюджет ижроси масаласини ўрганишда ва унинг натижаларини «Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари» доимий комиссияси йиғилиши муҳокамасига киришди.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг «2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари ва иқтисодий дастурининг 2015 йилга мўлжалланган энг устувор йўналишлари»га бағишланган мажлисида сўзлаган нутқида истиқболда мамлакатимиз иқтисодиётида туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш орқали хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини изчил давом эттиришни асосий вазифалар сифатида белгилаб берди. Бу партияимиз дастурий мақсадлари амалга

▲ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Депутат фикри

Маҳмуджон МАҲҚАМОВ,
халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари:

— Вилотда дотация ҳолатида турган шаҳар, туманларнинг иқтисодини кўтариш, бюджет даромадлари миқдорини ошириш долзарб масаладир. Биз айрим соҳаларда харажат миқдорини янада ошириш ҳақида гапиряпмиз. Лекин бунинг учун, аввало, бюджетнинг даромад қисмини ошириш керак. Корхоналар модернизацияси, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бунинг энг самарали йўлларидандир. Шунинг учун ЎЗХДП гуруҳи аъзолари ушбу масалаларда тегишли қонун ҳужжатлари ижроси устидан депутатлик назоратини кучайтиришга, ўз ишини очиш ниятидаги электорат вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга интилади.

ошишида муҳим аҳамиятга эга масалалар ҳисобланади. Чунки иқтисодиёт ҳар томонлама изчил ривожланиши янги иш ўринлари яратилиши, муносиб иш ҳақи тўланиши ва кучли ижтимоий ҳимояга кенг йўл очади.

Йиғилишда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎЗХДП гуруҳи аъзолари сўзга чиқиб, ўтган йилда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини ошириб бориш масалалари ҳуку-

матнинг диққат марказида бўлганини алоҳида қайд этди.

Жумладан, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг 54,6 фоизини маориф харажатлари ташкил этган. 2015 йил 1 чораги давомида таълим муассасаларини ривожлантириш ва сақлаш харажатларига вилоят бўйича маҳаллий бюджетдан 220,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 2014 йил биринчи чорагига нисбатан ушбу соҳа харажатлари 9,2 фоизга ортган. Соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 95,8 миллиард сўмни ташкил этиб, 2014 йилнинг мос даврига нисбатан 9

Юқорида айтиб ўтилган ва бошқа кўрсаткичларга таяниб, депутатлар бюджет ижроси самарали ташкил этилганини таъкидлашди. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетлар ижросида йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди. Хусусан, жорий йил биринчи чораги давомида жами 732,3 миллион сўм миқдоридан бюджет интизомини бузиш ва ноқонуний харажатларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқлангани қайд этилди.

Доимий комиссия йиғилишида вилоят молия бошқармаси бўлим бошлиғи **Элбек Эшонкулов** кун тартибидagi масала юзасидан атрофлича ахборот берди. ЎЗХДП гуруҳи аъзолари киритган таклиф ва фикрларга муносабат билдирди.

Йиғилишда депутатлар ижтимоий долзарб масалалар ечимини юзасидан айрим таклифларни ҳам ўртага ташлашди. Жумладан, **ЎЗХДП Данғара туман кенгаши раиси Зийдахон Ҳамралиева** мактабгача таълим муассасаларини таъмирлашни молиялаштириш, **вилоят Кенгаши депутати Дилором Назарова** мактаблар таркибида кўни узайтирилган гуруҳлар ташкил этиш ва унга етарли маблағ ажратиш, **вилоят Кенгаши депутати Нўмонжон Эгамбердиев** мактаблардаги компьютер синфлари техник жиҳозларини доимо соз ҳолатда сақлаш масаласини иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича таклифларини илгар сурди. Депутатлар ҳар бир таклифни иқтисодий жиҳатдан асослашга эътибор қаратишди.

Доимий комиссия йиғилишида кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУ ҲАҚДА СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ ҚАНДАЙ!

Маҳаллий вакиллик ҳокимиятининг таъсир кучи ва масъулияти янада ошади



Улуғбек Тошпўлатов,
Ўзбекистон ХДП
Марказий Кенгаши
сектор мудири:

— «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга киритилган янги моддага асосан ҳокимлар ҳисоботларини эшитишда партия гуруҳлари фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, сиёсий партиянинг асосий мақсади, вазифаси ўз электоратини қизиқтираётган масалаларни ўрганиш, уларнинг ечимида ташаббус кўрсатишдир. Вилот, туман ва шаҳар ҳокимларининг ҳисоботлари эшитилиши давомида бу борада янги имкониятлар юзага чиқади.

Қонунга мувофиқ, ҳокимнинг ҳисоботи тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилот, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ақунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эшитилади. Табиийки, мажлисда ҳудуддаги мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини муҳокама этилади. Ҳоким ўз ҳисоботида ана шу масалалар бўйича маълумот беради. Ҳисоботни эшитиш жараёнида депутатлар шунчаки иштирок этиб қолмай, ўзларига муҳим вазифаларни белгилаб олади. Шу билан бирга, депутатлар аҳолини ўйлантираётган муҳим масалалар, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қўшимча тадбирлари ҳақида ўз позицияси, фикр-мулоҳазаларини билдириш имконига ҳам эга бўлади. Партия электорати манфаатидан келиб чиқиб, ўз ташаббусларини илгари суради.

▲ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Гулсара Аҳмедова,
халқ депутатлари
Хоразм вилоят
Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП
гуруҳи аъзоси:

— Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайланган депутатлар ўз фаолияти давомида аввало номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг манфаатларини ифода этади. Депутатга бу борада бир қатор ҳуқуқ ва ваколатлар берилган. Биз ана шу ваколатлар доирасида маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини амалга оширамиз. Мазкур қонунга киритилган ўзгариш партиянинг дастурий вазифалари ижросида фаол иштирок этиш, шунингдек, депутатлик назорати институтидан янада самарали фойдаланиш имконини беради, деб ўйлайман.

Чунки қонунга мувофиқ, вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш ақунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, унда ҳоким ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятини тақомиллаштиришга доир тавсиялар ва таклифлар, шунингдек, қарор ижроси бўйича назоратни таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилади.



Ҳаёт Хидиров,
халқ депутатлари
Жиззах туман
Кенгашидаги
Ўзбекистон ХДП
гуруҳи раҳбари:

— Шу ўринда бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим. Маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари ҳокимлар ҳисоботини эшитишга махсус тайёргарлик билан бориши талаб этилади. Бунда, хусусан, ҳудудда қонун ҳужжатларига риоя этиш ҳолатини кузатиш ва таҳлил қилиш, мавжуд камчиликлар, уларни бартараф этиш чоралари ҳақида аниқ позицияга эга бўлиш лозим.

Бизга аҳолидан турли масалаларда қўллаб-қувватлаш бўлади. Учрашувлар давомида сайловчиларни ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиш, уларга ечим топишга харажат қиламиз. Шу билан бирга, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам таҳлил этамиз. Ҳокимларнинг ҳисоботини эшитиш жараёнида ана шу масалаларни ўртага ташлаш мумкин бўлади. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан берилган ҳисобот ақунларига қараб, ҳоким ва маҳаллий ижро ҳокимияти ишига баҳо берилади. Бу ҳақдаги тегишли қарор расмий матбуот ва интернет сайтларида эълон қилинади. Натижада маҳаллий давлат ҳокимияти фаолияти очиклиги таъминланади, жамиятда фўқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти юзасидан тўла ахборот олиш имконияти яратилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Гулрух ОДАШБОВА тайёрлади.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

■ Бугун одамлар сиёсий партияга нафақат қандай гоёларни илгари сураётгани, шу билан бирга ўша гоёлар ижроси йўлида нималар қилаётганига қараб баҳо бермоқда. Шунинг учун халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳимиз, шаҳар партия ташкилоти электорат манфаатларига хизмат қиладиган ташаббусларни кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, партия электорати таркибига кирувчи ногиронларга кўрсатилаётган моддий ҳамда тиббий ёрдам, шунингдек, бошқа ижтимоий хизматлар доимий эътиборга олинган масалалардир. Зарурат бўлганда, партия ташкилотлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ваколатларидан фойдаланиб, бу масалаларни доимий комиссия ёки сессияларга олиб чиқмоқдалар, масъул раҳбарларнинг ҳисоботлари тингланмоқда, тегишли қарорлар қабул қилиняпти.

БОШ МАСАЛА — ИЖТимоий ҲИМОЯ

Партияимиз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда шаҳар партия ташкилоти гуруҳи ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Айни пайтда Чирчиқ шаҳрида 150 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган бўлса, уларнинг 19 мингдан ортиғи пенсия ва нафақалар олади. Шаҳарда 22 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бор. Шунингдек, 400 га яқин фронт ортида меҳнат қилган кишилар, 130 дан зиёд ёлғиз кексалар истиқомат қиладилар.

Бугунги кунда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари 9 нафарни ташкил этади. Жойларда қонунлар ва ҳукумат қарорлари ижросини ўрганишда ҳудуддаги 42 маҳалла, корхона ва муассасалардаги 77 бошланғич партия ташкилоти билан доимий алоқа йўлга қўйилган. Жумладан, БПТлар томонидан партия гуруҳи билан биргаликда жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 15 дан ортиқ масалалар ўрганилиб, уларнинг таклифи билан 25 марта депутатлик сўрови юборилди. Сўровларнинг асосий қисми айнан БПТлар мурожаатлари асосида тайёрланмоқда.

Шаҳарда истиқомат қилувчи ногиронлар манфаатлари ҳимоясига қаратилган 8 та депутатлик сўрови тегишли идораларга юборилди. 3 масала халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия муҳокамасига олиб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, ногирон болаларни соғломлаштириш, реабилитация қилиш устувор вазифаларимиздан ҳисобланади. Ўтган қаҳирда партияимиз гуруҳи ташаббуси билан бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, махсус ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасаларида ногирон болаларни соғломлаштириш бўйича моддий-техник базани мустаҳкамлаш тўғрисидаги масала жойларда ўрганилиб, сессияга олиб чиқилди. Сессияда ушбу масала тўлиқ қўллаб-қувватланиб, тегишли қарор қабул қилинди ҳамда қарор ижроси доимий назоратга олинди.

Айни пайтда Ўзбекистон ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши, партияимиз гуруҳи ҳамда БПТлар ҳамкорлигида «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тиббий-ижтимоий муассасалари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ҳамда мазкур тизимга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси устидан депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Шу билан бир қаторда, электорат вакиллари партия ташкилотимиз фаолиятига жалб этилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишлар бево-сита партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар билан боғлиқ. Жорий йилда партия гуруҳимиз шаҳар аҳолининг ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд қатлами манфаатларига хизмат қилувчи изчил чора-тадбирларни кўчатиришни кўзлаган. Шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш масалаларини ўрганиб, бу борада аниқ таклифлар ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

Дониёр АЗИЗХҲАЕВ,
ЎЗХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси.



■ СИЁСЫЙ ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ТАЪСИР КУЧИ, НУФУЗИ АЪЗОЛАРИНИНГ СИЁСЫЙ-ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ, ИЖТимоий-СИЁСЫЙ ЖАРАЁНЛАРДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИГА БОҒЛИҚ.



■ БАРЧА МАҲАЛЛИЙ ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДА АХБОРОТ-МАЪРИФАТ ХОНАЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Барча давлат рамзлари қатори герб ҳам халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этади.

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 2-iyul. Payshanba
76 (31.979)-son

www.uzbekistonovozi.uz

3

ИСТИҚЛОЛИМИЗ, ФАХРУ ИФТИХОРИМИЗ ТИМСОЛИ

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

■ ...1992 йил 2 июль. Президентимиз Ислон Каримов «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Халқимиз ўзи истаган ва танлаган йўл — эркин, озод ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида яна бир муқаддас тимсолга эга бўлди. Бу билан мамлакатимиз мустақиллиги янада мустаҳкамланди. Ўзбекистон халқи ўз қадр-қимматини, ғурурини, тарихи ва миллий қадриятларини чуқурроқ аңглай бошлады.

Ҳа, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида янги давлат, янги жамият қуриш йўлидаги ислохотлар жараёнида халқимизнинг миллий ғурурини кўтаришга, озод ва обод Ватан барпо этишга бўлган интилиши, шижоатини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Давлатимиз рамзлари, жумладан, герб лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кенг муҳокамалар асосида қабул қилинган бу борада муҳим ишлардан бири бўлди.

Шундан эътиборан давлатимиз герби тасвири муҳрларда ва давлат идоралари бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва фуқаролик паспорти-

да ҳамда қонунда белгиланган бошқа ҳужжатлардан жой олмоқда.

Ўзбекистон герби давлатимиз чегараларида ўрнатилди.

Аждодларимиз давлат тамғасини азалдан муқаддас билган. Маҳмуд Қошғарий «Девону лугʻотит турк» асарида тамғани «подшоҳнинг ҳукмдорлик муҳри», деб изоҳлаган. Соҳибқирон Амир Темур тамғасида «Куч — адолатда» ёзуви муҳрланган. Улғу бобомиз салтанат асосини ана шу ҳикмат асосига қурган. Буларнинг барчаси давлат тамғаси халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилик тарихимизда озодлик, ғурур-ифтихор ва ор-номус тимсоли бўлганидан далолатдир.

Гербимиздаги ҳар бир ранг, чизик, белги чуқур



рамзий маънога эга. Баланд тоғлар орасидан оқаётган дарёлар — ҳаёт боқийлиги рамзи бўлса, гербнинг сўл томонидаги бугдой бошоқчалари ризқ-рўзимиз бутунлигини, ўнг томонидаги қий-ғос очилган пахта юртошларимиз қалби, нияти поклигини, бекиёс бойликларимизни акс эттиради.

Гербнинг юқори қисмида мамлакатимиз жипсчилигининг тарихимизда саккиз қиррали юлдуз тасвирланган. Мусамман ичигаги ярим ой — қўлга киритилган мустақиллигимизни, юлдуз халқимиз

бахт ва давлат қуши, эрк, саодат, ҳиммат, олижаноблик, омад тимсоли ҳисобланган. Ҳазрат Алишер Навоий «Лисонут-тайр» достонида Хумони бахт ва иқбол, эзгулик ва улғуворлик келтирувчи қуш сифатида тасвирлаган.

Давлатимиз гербининг пастки қисмида, байроғимизни эслатувчи чамбар бандида зарҳал ҳарфлар билан барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган «Ўзбекистон» сўзи битилган.

Барча давлат рамзлари қатори герб ҳам халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этади. У олий саодат — истиқлолимиз рамзи, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаидир.

Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эъзозлаш ўзининг, ўз мамлакатининг қадр-қимматини билган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчидир.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги қонунда ҳам мамлакатимиз фуқаролари, Ўзбекистонда истиқомат қиладиган барча шахс давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган. 2010 йил 25 декабрдан кучга кирган «Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонунда давлатимиз гербидан фойдаланиш қоидалари янада мустаҳкамланган.

...Гербимизни ҳар гал кўрганда, унинг юксак маъно-мазмунидан чексиз ғурур туямиз. Чунки Ўзбекистон герби — давлатимиз суверенитетини ифодалайдиган, халқимиз ор-номуси ва шаънини мустаҳкамлайдиган муқаддас тимсолдир. Зотан, ўз қадр-қимматини, таянчи ва суянчини аңлаган халқ ўз миллий тимсолларини ҳамиша эъзозлайди, маънавияти бутун халқни ҳеч қандай куч ўзи танлаган йўлдан чалғита олмайди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.



Дунё

Имо-ишора билан

тушунтира олади

Чақалоқларга 6 ойлигидан бошлаб имо-ишора ва юз мимикалари ёрдамида гаплашишни ўргатиш мумкин, дея хабар беради «Reuters» ахборот агентлиги.



Имо-ишорали «тил» бўйича мутахассис Этел Лейтнинг айтишича, бундай усул ҳали тили чиқмаган болалар учун жуда қулайдир. Чақалоқлар ўз хоҳиш ва эҳтиёжларини имо-ишора ва юз мимикалари орқали баён этиши осон, ота-оналар эса уларни тушунишда қийналмайди. Бундан ташқари, бу усул болаларнинг ақлий ривожланишини тезлаштиради. Негаки, ота-оналар қўллари ва юзларининг маъноли ҳаракатлари ёрдамида имо-ишора қилиш билан бирга, бу фикрларни овоз чиқариб талаффуз этиш орқали ўз мақсадларини болаларига тушунтиришади.

ТАДБИР

■ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси томонидан «Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати: бугунги ҳолати ва истиқболлари» мавзuida семинар ўтказилди. Унда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида суд ҳокимиятининг ОАВ билан ўзаро муносабатини янада яхшилаш ва янги босқичга кўтариш ҳамда судлар фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари муҳокама этилди.

Суд ҳокимияти ва ОАВнинг ўзаро муносабати

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий суд ҳузуридаги Тадбиркорлик маркази, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда «Суд ҳокимиятининг очкилиги — ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шарт», «Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситалари муносабатининг ҳуқуқий асослари», «Судлар фаолиятида ошкораликни таъминлашда ОАВнинг ўрни», «Суд-ҳуқуқ ислохотларини ёритишда журналист маҳорати» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг қўшилган ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилди, суд ишларини апелляция инстанциясида қўриш тартиби амалга қўйилиб, қассия ва назорат инстанциялари янада такомиллаштирилди. Жиноий жазо тизimini либераллаштирилиб, ўлим жазоси бекор қилинди. «Хабас корпус» институти жорий этилиб, санкция бериш, лавозимидан четлатиш, тиббий муассасаларга жойлаштириш ваколати судларга ўтказилди. Судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тасвия этишнинг мукамал механизми яратилди.

Жиноят судлов ишлари амалиётига яраштирув институти жорий этилганлиги туфайли ўтган даврда 163 минг нафардан зиёд шахс ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинди. Шунингдек, судларда ишларни қўриш жараёнида етказилган зарар қопланганлиги сабабли 30 минг нафардан ортиқ шахсга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ

бўлмаган жазо тайинланди. Бу каби мисолларни кўлаб келтириш мумкин ва кенг жамоатчилик уларнинг самараси ҳақида хабардор бўлиши мақсадга мувофиқ.

— Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлиги жуда муҳим, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси Холмўмин Ёдгоров. — Журналистлар жамиятимизда содир этилаётган айрим жиноятлар, жумладан фирибгарлик жинояти бўйича таҳлилий мақолалар тайёрлашса, айни муддао бўларди. Шунингдек, фуқаролар ўртасида мол-мулк бўйича келиб чиқаётган низолар кўпайиб бораётганини ҳисобга олсак, бу масала хусусида ҳам кўпроқ мақолалар чоп этиш зарурати бор, деб ўйлайман.

Бир кунда Олий судга фуқаролик ишлари бўйича ўртача 100 дан ортиқ шикоят келиб тушади. Бу рақамни келтираётганимизнинг сабаби, фуқароларимизга ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишда кимга, қай тартибда мурожаат қилишни тушунириб боришимиз зарур. Суд ҳокимияти билан журналистлар ўртасидаги ҳамкорликдан энг аввало жамият манфаат кўради.

— Оммавий ахборот воситалари том маънодаги тўртинчи ҳокимият сифатида давлат ҳокимиятининг ҳар учала тармоқлари фаолиятига дадил муносабат билдира оладиган, омма ўртасида ижтимоий фикрни шакллантирадиган, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатадиган катта куч ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ ОАВнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга киришилди ва у тобора ривожлантириб боришмоқда, — деди Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини

ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори Бобоқул Тошев. — Давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти очкилигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш мақсадида кенг жамоатчиликка хабар бериш, салбий ҳодиса ва воқеаларга муносабат билдириш, давлат ва жамият муносабатлари ҳақида ҳолис материаллар тайёрлаш ва унинг натижаларини эълон қилиш журналистларнинг бурчи саналади.

Маълумки, одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам сўраб матбуот ва оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилади, улар билан муносабатга киришади. Назаримизда, бундай ҳолларда журналист ҳолис ва қатъийли бўлиши зарур. Ўзига мурожаат қилган шахснинг муаммосига ечим топиш учун эса қонунларни яхши билиши, шу соҳага ихтисослашган бўлиши талаб этилади. Шунингдек, семинарда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар Остонов, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани Акбар Нурматов, Олий суд катта консультанти — Ахборот хизмати раҳбари Олим Ўсаров, «Хуқуқ ва бурч» журнали бош муҳаррири ўринбосари, юридик фанлар доктори Миродилжон Баратов ва бошқалар ҳам сўзга чиқиб, судлардан ахборот олиш тартиби, суд процессларида ОАВ вакиллари-нинг иштироки, суд-ҳуқуқ соҳасини ёритувчи журналистларнинг ихтисослашуви, қасб маҳоратини ошириш механизмлари ҳақида фикр юритишди.

Бундай семинарларнинг изчил ўтказиб боришга келишиб олинди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

«МИКРОКРЕДИТБАНК» САРМОЯЛАРИ – БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ХИЗМАТИДА!



Хизматлар лицензияланган.



MIKROKREDITBANK

■ Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари қасб-хунаар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаши, улар томонидан илгари сурилаётган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айни пайтда республикадаги ҳар бир қасб-хунаар коллежга бириктирилган тижорат банклари

ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, айнуқасб, қасб-хунаар коллежлари битирувчилари ва хо-

«Микрокредит-банк» акциядорлик-тижорат банки ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ олис туман ва қишлоқлардаги ёшларни, хотин-қизларни фойдали меҳнатга жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Марказий банки, «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ҳамкорлигида ташкил этилган

мазкур семинар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқни

маъсул ҳодимлари коллеж битирувчилари билан тадбиркорлиқни йўлга қўйиш, банк хизматлари ва кредитлар ажратиш тартибларини тушунириш мақсадида мунтазам учрашувлар ўтказиб бормоқда.

Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл ва Чимбой туманларида «Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида! шиори остида ўтказилди.

Тин-қизларнинг банк хизматларидан фойдаланишларини янада кенгайтиришга қаратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда кичик бизнес ва хусусий

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

■ ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЮРИСТЛАР МАЛАКАСINI ОШИРИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИ МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН МАТЕРИАЛ ЕҲТ ИШТИРОКЧИ МАМЛАКАТЛАРИ ЎРТАСИДА РАСМИЙ ҲУҶЖАТ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ.



■ ФРАНЦИЯНИНГ ДАВЛАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛГАН «FRANCE 2» ЕТАКЧИ ТЕЛЕКАНАЛИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ АФСОНАВИЙ ШАҲАРЛАРИ — САМАРҚАНД ВА БУХОРО ҲАҚИДАГИ МАҲСУС РЕПОРТАЖЛАРНИ ЎЗИНИНГ 10 МИЛЛИОН НАФАРДАН ЗИЁД ТОМОШАБИНЛАРИ ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ҚИЛДИ.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

Тиббиёт:

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ДАВР ТАЛАБИ

■ Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва мутахассисликка йўналтириш мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда Тошкент тиббиёт академияси, тиббиёт соҳасига ихтисослашган олий таълим муассасалари, ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари ва тиббий таълимга йўналтирилган марказлар, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг профессор-ўқитувчилари, олимлар, мутахассислар, ёш тадқиқотчилар, талабалар иштирок этди.

— Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий таълим тизимини янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилди, — деди **Соғлиқни сақлаш вазирлиги Анвар Алимов**. — Шунингдек, Таълим тўғрисидаги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида тиббий таълимни ислох этиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жаҳондаги илгор тажрибалардан келиб чиқиб, таълимнинг бошқа йўналишларида бўлганидек, тиббиёт олий ўқув юрларида ҳам бакалаврият ва магистратура босқичлари жорий этилди. Таълимнинг биринчи босқичи — бакалавриятда барча тиббиёт олий ўқув юрларида кишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникаларда ишлаши

мумкин бўлган умумий амалиёт шифокорлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Тиббий таълимнинг иккинчи босқичи — магистратурада тор мутахассисликлар бўйича шифокорлар тайёрлаш назарда тутилган. Бундай мутахассислар соғлиқни сақлаш тизимининг иккинчи ва ихтисослаштирилган бўғинлари, тиббий таълим ва илмий муассасалар учун тайёрланади.

Бу борадаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида етакчи олий ўқув юрларида модул тизими жорий этилмоқда. Жаҳон тиббий таълим амалиётида истиқболли ҳисобланган бу илгор технология талабанинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Бугунги кунда замонавий тиббиётнинг сўнгги



ютуқлари, илгор технологиялар ҳақида чуқур билим ва кўникмага эга бўлиш учун ҳар бир шифокордан чет тилларни пухта билиш талаб этилади. Ушбу жиҳатлар эътиборга олинб, тиббиёт олий ўқув юрларида чет тилларни ўқитиш тизими янада такомиллаштирилмоқда.

Анжуманда таъкидландики, олий таълим тизимида етакчи олимлар ва профессор-ўқитувчилар таълим-тарбия ишлари билан бир қаторда илм-фаннинг долзарб йўналишлари бўйича илмий изланишларни ҳам амалга оширмоқда. Тиббий-илмий

марказлар ва тиббиёт олий ўқув юрлари олимлари, ёш тадқиқотчилар иштирокида 200 га яқин илмий-амалий, фундаментал грант дастури ва инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда устоз-шогирд аъёнларини ривожлантириш, ёшларни илм-фан фаолиятига кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Президентимизнинг Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги фармони бу бо-

радаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Хозирда олий маълумотли тиббий кадрлар мамлакатимиздаги мавжуд 14 та олий ўқув юрлари орқали тайёрланмоқда. Президентимизнинг «Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига асосан Тошкент тиббиёт академияси стоматология факультети базасида Тошкент давлат стоматология институти ҳамда Андижон, Бухоро, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида мазкур институт филиаллари ташкил этилди.

Бугунги кунда замонавий тиббиётнинг сўнгги ютуқлари, илгор технологиялар ҳақида чуқур билим ва кўникмага эга бўлиш учун ҳар бир шифокордан чет тилларни пухта билиш талаб этилади.

Шунингдек, «Спорт тиббиёти» магистратура йўналиши мавжуд бўлган Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтидан ташқари Андижон, Самарқанд, Бухоро тиббиёт институтилари базасида «Спорт тиббиёти» бўйича янги магистратура йўналиши очилди.

Тадбир сўнггида журналистлар томонидан берилган саволларга соҳа мутахассислари жавоб беришди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан Президентимизнинг чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШДА

узлуksиз таълимнинг аҳамияти

— Мазкур қарордан сўнг мамлакатимиз таълим тизимида чет тилларини ўрганишда янги давр бошланди, — деди **ЎзДЖТУ ректори Шухрат Каюмов**. — Хорижий тиллар бўйича дарслик ва ўқув-ўқувий намуналарни модернизациялаш бўйича PREZET дастури асосида интеграллаштирилган ўқув режа ва дастурлари тўлиқ жорий этилди. CEFR (Чет тилларни эгаллашнинг умумевропа компетенциялари) нормаларига ва бошқа халқаро стандартларга мувофиқ чет тилларни ўқитиш бўйича ўқув адабиётлари ва дарсликлар яратилди.

— ЎзДЖТУ ҳузурида чет тилларни ўқитишнинг инновацион методларини ривожлантириш Республика илмий-амалий маркази ташкил этилиши бу борадаги фаолиятимиз кўламини янада кенгайтиришга имкон яратди, — деди **ЎзДЖТУ профессори Мираббос Ирискулов**. — Хорижий тилларни ўқитишда узвийлик ва узлуksизлиқни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Таянч олий таълим муассасаси ҳисобланмиш университетимиз профессор-ўқитувчилари томонидан давлат таълим стандартларига риоя қилинган ҳолда яратилган дарсликлар, аудио-видео материаллари узлуksиз таълим жараёнини қамраб олади.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Нуруллоҳ ДОСТОН

РЕКЛАМА

ООО «KRANTAS»


ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

	
АВТОЦИСТЕРНЫ-БЕНЗОВОЗЫ (МАСЛОВОЗ, НЕФТЕВОЗ) НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 6м³, 10м³, 12м³ и 16м³	АВТОЦИСТЕРНА ДЛЯ ПЕРЕВОЗКИ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ НА ШАССИ «ISUZU», «MAN» 4м³, 6м³, 10м³, 12м³
	
КОМБИНИРОВАННАЯ ПОЛИВОМОНЕЧНАЯ МАШИНА НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» ОБЪЕМОМ 4м³, 6м³ и 12м³	ВАХТОВЫЙ АВТОБУС НА ШАССИ «КАМАЗ» или «MAN» (4х4) или (6х6) 18-24 ЧЕЛОВЕК.
	
АВТОГУДРОНАТОР НА ШАССИ «MAN» или «ISUZU» 6 м³, 8 м³, 12 м³	АВТОЦИСТЕРНА-КИСЛОТОВОЗ НА ШАССИ «ISUZU» или «MAN» 6м³ или 10 м³

Телефоны: (0-371) 262-97-78, факс: (0-371) 262-23-61, (+99890) 187-52-05, (+99890) 315-99-17 www.krantas.uz, email: krantas@inbox.ru ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ЎЎЛОВ ТУРИ: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎЎКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ
Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАЎСУЎЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musliddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruqsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
11156
nashrada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'za yakuni — 00.25
Topshirilgan vaqti — 01.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 3 4 5 6